

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮЛДАШЕВА МАШХУРА МУЗАФАРОВНА**

**ТИББИЙ ПЕДАГОГИК ЙЎНАЛИШ ТАЛАБАЛАРИДА МИЛЛИЙ  
АНЪАНАЛАР АСОСИДА БАҒРИКЕНГЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Термиз – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD)диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Содержание автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Юлдашева Машхура Музафаровна**

Тиббий педагогик йўналиш талабаларида миллий анъаналар асосида  
бағрикенгликни ривожлантириш..... 3

**Юлдашева Машхура Музафаровна**

Развитие толерантности на основе национальных традиций у студентов  
медико-педагогического направления ..... 23

**Yuldasheva Mashxura Muzafarovna**

Development of tolerance based on national traditions among students of the  
medical and pedagogical direction..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 49

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮЛДАШЕВА МАШХУРА МУЗАФАРОВНА**

**ТИББИЙ ПЕДАГОГИК ЙЎНАЛИШ ТАЛАБАЛАРИДА МИЛЛИЙ  
АНЪАНАЛАР АСОСИДА БАҒРИКЕНГЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Термиз – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3.Phd/Ped1091 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.terdu.uz](http://www.terdu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Ҳамроев Алижон Рўзиқулович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Рўзиева Дилноз Исомжоновна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Киямов Нишон Садиқович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Қарши давлат университети**

Диссертация ҳимояси Термиз давлат университети ҳузуридаги Phd.03/30.12.2019.Ped.78.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_соат \_\_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 190111, Термиз шаҳри Баркамол авлод кўчаси, 43-уй. Тел.: +99876221-74-55; факс:+99876221-71-17; e-mail: termizdu@umail.uz).

Диссертация билан Термиз давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 190111, Термиз шаҳри Баркамол авлод кўчаси, 43-уй. Тел.: +99876221 221-74-55).

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.

(2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ -рақамли реестр баённомаси).

**И.Т.Чориев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**М.Қ.Бозорова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

**Х.Ж.Худойкулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари таълимида тиббий педагогик йўналиш талабаларида миллий анъаналар асосида бағрикенгликни ривожлантириш муаммоси ечими сифатида уларнинг инновацион, креатив фаоллигига алоҳида эътибор қаратиш; халқаро ташкилотларнинг «Таълим – тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ва барқарор ривожланиш мақсадларига етказувчи муҳим фаолият тури» деган эътирофи асосида катта ёшдаги аҳоли компетентлигини баҳолаш халқаро дастури (PIAAC)дан фойдаланиш; касбий маҳоратни шахс сифатлари билан уйғунлаштириш; инновацион ёндашувни таълим жараёнига изчил жорий этиш; таълим жараёнини моделлаштиришнинг истиқболли йўналишларини аниқлаш бўйича тизимли ёндашувлар асосида такомиллаштиришни тақозо этади.

Дунёнинг халқаро илмий тадқиқот марказларида ёшларда бағрикенгликни ривожлантириш, уларнинг касбий компетентлиги, ижтимоий –маданий ва коммуникатив фаолиятни самарали ташкил этишга доир илмий тадқиқотларга аҳамият берилмоқда. Айниқса, тиббий педагогик йўналиш талабаларида миллий анъаналар асосида бағрикенгликни ривожлантиришнинг асосий омили сифатида ёшларда ахлоқий–эстетик дунёқараш ва ижтимоийлашувни қарор топтиришга, касбий ва коммуникатив тайёргарлиги, креатив фикрлаш, бағрикенгликни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда таълим соҳасини сифат жиҳатдан жадал ривожлантириш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш механизминини такомиллаштириш, инновацион ёндашув асосида талабаларни маънавий тарбиялаш мазмунини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Конституциямизда турли дин, миллат вакилларининг ҳуқуқлари хусусида “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар қонун олдида тенгдирлар”<sup>1</sup> – деб ёзилган.

Ёшларни замонавий билим ва тажриба, эзгу фазилатлар эгаси бўлган инсонлар этиб вояга етказиш мақсадида, аввало, талабаларни ижтимоий муҳит талабаларига интеграциялаш, миллий – маданий эҳтиёжларини қондириш, инсоний кадр–қиммат туйғусини шакллантириш, улар онгида маънавий қадриятлар ривожлантириш каби масалалар муҳим аҳамиятга молик. Шу маънода тиббий педагогик йўналиш талабаларида миллий анъаналар асосида бағрикенгликни ривожлантириш йўналишдаги тадқиқотларни янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Ушбу тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947 –сон фармони, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимининг янада ривожлантириш чора –тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909 –сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014. – 46 б. 18 -модда

муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора –тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–3775 –сонли қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий –ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I.“Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий – маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бугунги кунга қадар Г.Наврўзова, А.Абдушукуров, Д.Алимова, Р.Валитова, Э.Каримова, М.Маматов, Ш.Шоабдурахмонов, З.М.Хусниддинов бағрикенглик тушунчасини асосан фалсафий нуқтаи назардан тадқиқ қилган бўлсалар, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов ўз асарларида ушбу масалага ҳам алоҳида ўрин ажратган.

Г.И.Маҳмудованинг «Олий педагогик таълим тизимида талабаларни маънавий шакллантиришнинг ижтимоий –педагогик хусусиятлари» мавзусидаги номзодлик диссертациясида бошқа маънавий тушунчаларни тарбиялаш лозимлиги ҳам кўрсатиб ўтилган.

МДХ олимларидан тиббий педагогик йўналиш талабаларида бағрикенгликни ривожлантириш соҳасида С.В.Бобинова, Т.А.Боличева, Б.С.Гершунский, Д.П.Поносов, Г.У.Солдатова, Г.Н. Филонов, Бетти Реадон, Н.А.Купина, М.Б.Хомяковларнинг бир қатор илмий мақолалари эълон қилинган.

Бироқ тиббий педагогик йўналиш талабаларида миллий анъаналар асосида бағрикенгликни ривожлантириш бугунга қадар диссертацион тадқиқот объекти сифатида монографик ўрганилмаганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий –тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университети илмий –тадқиқот ишлари режасининг “Юксак маънавиятли, жисмонан баркамол шахсни тарбиялаш технологиясини такомиллаштириш” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тиббий педагогик йўналиш талабаларида миллий анъаналар асосида бағрикенгликни ривожлантириш ҳамда талабаларда бағрикенгликни таркиб топтиришга йўналтирилган илмий–методик тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқот вазифалари:**

илмий –педагогик, фалсафий, психологик манбаларни ўрганиш асосида тиббий педагогик йўналиш талабаларида бағрикенглик тушунчаларини ривожлантириш долзарб педагогик муаммо эканлигини асослаш;

тиббий педагогик йўналиш талабаларида миллий анъаналар асосида бағрикенгликни ривожлантиришни таркиб топтиришнинг мавжуд ҳолатини аниқлаш;

тиббий педагогик йўналиш талабаларида миллий анъаналар асосида бағрикенгликни ривожлантиришга йўналтирилган илмий –методик тавсиялар ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлик даражаси аниқлаш.

**Тадқиқот объекти.** Тиббий педагогик йўналиш талабаларида миллий анъаналар асосида бағрикенгликни ривожлантириш жараёни бўлиб, тажриба –синов ишларига Бухоро давлат тиббиёт институти, Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали, Самарқанд давлат тиббиёт институтининг 440 нафар талабаси жалб қилинди.

**Тадқиқот предмети.** Тиббий педагогик йўналиш талабаларида миллий анъаналар асосида бағрикенгликни ривожлантиришга йўналтирилган таълим –тарбия жараёнининг мазмуни, шакли, усул ва методлари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида назарий –дидактик таҳлил, педагогик кузатув, қиёсий таҳлил, таснифлаш, суҳбат, статистик таҳлил, интервью, анкета –сўровномалари, педагогик тажриба –синов каби бир қатор усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

талабаларда бағрикенгликни ривожлантиришнинг ижтимоий-сиёсий, миллий-маънавий, психологик-педагогик омиллари саноген тафаккурнинг мотивацион, рефлексив ва операцион кўникмаларини реал вазиятлар моделлари имитацияси асосида аниқлаштирилган;

педагогик фаолиятга касбий мослашувчанлик жараёнининг интегративлигини таъминлаш мезонлари эмоционал–мотивацион, когнитив, қадриятли ёндашув асосида талабаларда касбий сифатларни ривожлантириш мазмуни аниқланиб, уни амалга ошириш механизмлари ишлаб чиқилган;

талабаларда бағрикенгликни ривожлантириш модели адаптив эҳтиёжларни фаоллаштирувчи дарс ва дарсдан ташқари жараёнлар, мақсадли курслар, вебинарлар ва ўқув материалларини ички ва ташқи (мақсадли ва тизимли) интеграциясини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

талабаларда бағрикенгликни ривожлантириш технологияси ўзбек ва рус тили фанлари асосида таълимнинг универсаллик, муқобиллик ва вариативлик шакллари амалиётда қўллаш орқали ўзаро ёрдам, бағрикенглик каби дўстона муносабат сифатларни шакллантирувчи интерфаол ўқув муҳитини ташкил этиш самарадорлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагиларда ўз аксини топган:

тиббий педагогик йўналиш талабаларида миллий анъаналар асосида бағрикенгликни ривожлантиришнинг диагностик воситалари аниқланган ва эмпирик тажриба жараёнида синовдан ўтказилган;

биринчи курс тиббий педагогик йўналиш талабаларида миллий анъаналар асосида бағрикенгликни ривожлантириш дастури ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган;

“Тиббий педагогик таълим жараёни” махсус курсининг такомиллаштирилган дастури ва блок–модулли технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув, усуллар илмий –методик асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба –синов ишлари

самарадорлиги математик –статистик методлар воситасида аниқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти тиббий педагогик йўналиш талабаларида миллий анъаналар асосида бағрикенгликни ривожлантиришнинг назарий жиҳатлари аниқлаштирилганлиги, “бағрикенгликни ривожлантириш” тушунчасига фалсафий, психологик ва педагогик ёндашувларнинг тизимлаштирилгани, миллий анъаналар асосида бағрикенгликни ривожлантириш ва бағрикенгликнинг ўзаро алоқадорлиги ва фарқлари ёритиб берилганлиги, тиббий педагогик йўналиш талабаларида миллий анъаналар асосида бағрикенгликни ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи омилларнинг қиёсий ўрганилганлиги, тиббий педагогик йўналиш талабаларида миллий анъаналар асосида бағрикенгликни ривожлантириш босқичлари ва даражалари аниқлангани ҳамда тизимлаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти тиббий педагогик йўналиш талабаларида миллий анъаналар асосида бағрикенгликни ривожлантириш моделининг ишлаб чиқилганлиги ва уни амалга оширишнинг педагогик шарт – шароитларининг аниқлаштирилганлиги, талабаларни миллий анъаналар асосида бағрикенгликни ривожлантиришнинг локал–модулли технологиясининг такомиллаштирилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларида тиббий педагогик йўналиш талабаларида миллий анъаналар асосида бағрикенгликни ривожлантириш учун кредит –модул ўқув режа ва дастурларини ишлаб чиқиш ва талабаларнинг мустақил ишини амалга ошириш жараёнида самарали фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тиббий педагогик йўналиш талабаларида миллий анъаналар асосида бағрикенгликни ривожлантириш воситасида ўзбек тили ва рус тили фанларидан benchmarking воситасида янги авлод дарслиklarини яратиш технологиясини такомиллаштиришга доир тадқиқот натижалари асосида:

талабаларда бағрикенгликни ривожлантиришнинг ижтимоий-сиёсий, миллий-маънавий, психологик-педагогик омиллари саноген тафаккурнинг мотивацион, рефлексив ва операцион кўникмаларини таъминлашга доир таклифлардан тиббий педагогика бакалавриат йўналиши талабалари учун “Ўзбек тили” дарслиги мазмунига сингдирилган (Бухоро давлат тиббиёт институтининг 2021 йил 20 майдаги 03№1724–сонли маълумотномаси). Натижада, талабаларни интерфаол таълимга тайёрлаш жараёни самарадорлигини оширишга эришилган;

педагогик фаолиятга касбий мослашувчанлик жараёнининг интегративлигини таъминлаш мезонлари эмоционал–мотивацион, когнитив, қадриятли ёндашув асосида талабаларда касбий сифатларни ривожлантиришга доир таклиф ва тавсиялардан ОТ–F8 –214 рақамли “Талабаларни касбий ва шахсий ижтимоийлаштириш” (2017–2021-йй.) лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Бухоро давлат тиббиёт институтининг 2021-йил 20-майдаги 03№1724–сон маълумотномаси).

Натижада, талабаларни педагогик фаолиятга касбий тайёргарлигини ривожлантириш самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

талабаларда миллий анъаналар асосида бағрикенгликни ривожлантириш технологияси ўзбек ва рус тили фанлари асосида педагогик фаолиятни босқичма–босқич лойиҳалашга асосланган моделлаштириш алгоритми асосида такомиллаштиришга доир амалий тавсиялардан ITD–4–122 рақамли “Юксак маънавиятли шахсни шакллантиришнинг тарбия технологиясини ишлаб чиқиш” (2019–2021-йй.) лойиҳаси доирасида амалиётга татбиқ этилган (Бухоро давлат тиббиёт институтининг 2021 йил 20 майдаги 03№1724–сон маълумотномаси). Натижада, талабаларни тарбиявий фаолиятга тайёргарлигини жадаллаштириш самарадорлигини оширишга эришилган.

талабаларда бағрикенгликни ривожлантириш технологияси ўзбек ва рус тили фанлари асосида таълимнинг универсаллик, муқобиллик ва вариативлик шакллари амалиётда қўллаш орқали ўзаро ёрдам, бағрикенглик каби дўстона муносабат сифатларни шакллантирувчи интерфаол ўқув муҳитини ташкил этишга доир таклиф ва тавсиялардан “Ўзбек тили” ва “Рус тили” дарсларининг самарадорлигини оширишда фойдаланилган (Бухоро давлат тиббиёт институтининг 2021 йил 20 майдаги 03№1724–сон маълумотномаси). Натижада талабаларда бағрикенгликни ривожлантириш технологияси такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 6 та республика илмий –амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 130 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертацион тадқиқотнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги асосланган; диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот режалари билан алоқадорлиги очиб берилган; тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти, предмети ва тадқиқот методлари ифодаланган; тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, олинган маълумотларнинг ишончлилиги баён этилган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг татбиқи ва уларнинг синовдан ўтиши баён қилинган. Бундан ташқари, чоп этилган ишлар ва диссертация ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Тиббий педагогик йўналиш талабаларида миллий анъаналар асосида бағрикенгликни**

**ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланади. Мазкур боб 3 параграфдан иборат. Бунда тиббий педагогик йўналиш талабаларида миллий анъаналар асосида бағрикенгликни ривожлантириш - долзарб педагогик муаммо, тиббий педагогик йўналиш талабаларида миллий анъаналар асосида бағрикенгликни ривожлантиришга оид тарихий тажрибалар, тиббий педагогик йўналиш талабаларида миллий анъаналар асосида бағрикенгликни ривожлантиришнинг мавжуд ҳолати тадқиқ этилган.

Глобаллашув жараёни давом этаётган ҳозирги вақтда умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш, халқимизнинг урф-одатлари, турмуш тарзи, эътиқодларига сабр-бардош билан эҳтиромли муносабатда бўлиш ҳар бир шахс учун муҳим аҳамиятга эга. Мазкур тушунчаларни тиббий йўналишдаги талабаларнинг онгига сингдиришда миллий анъаналар воситасида бағрикенглик асосларини яратиш педагогика фанининг долзарб муаммоларидан биридир.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “Бағрикенглик” тушунчаси “масалага кенг кўламда, очик кўнгиллик билан ёндашиш” тарзида тавсифланган. Бағрикенглик ғояси хилма-хил эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда, олийжаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжихат бўлиб яшашини англатади. Қадим-қадимдан миллий анъаналар маънавий қадриятларни ўзида мужассам этиб келади.

Таъкидлаш керакки, бугунги кунда жамият аъзоларининг аксарият қисми турли зарарли ғоя ташувчи ахборот хуружларини баҳолаш кўникмасига етарлича эга эмас. Тўғрироғи, бунинг учун уларда бағрикенглик, воқеа-ҳодисаларга объектив ва осойишта муносабатда бўлиш кўникмаси етишмайди. Бу, ўз навбатида, турли минтақаларда барқарор ва бир маромда ривожланаётган давлатлар ҳаётига сиёсий-иқтисодий босимнинг кучайишига сабаб бўлмоқда. Жамиятнинг турли табақа аъзолари ўзаро мулоқот асосида ахборот айирбошлашга киришадилар. Бунда турли-туман ахборотни бири-бирига етказётган субъектлар ўз нуқтаи назари, дунёқарашини ҳам ёйишга муваффақ бўлади.

Бағрикенглик -шахсда ўз-ўзидан ҳосил бўладиган фазилат эмас, балки у узоқ муддатли, узлуксиз педагогик жараён натижасида вужудга келадиган рухий, ижтимоий, маънавий ҳолат. Бағрикенглик ғояси турли ижтимоий педагогик омиллар ва ўқув-билув жараёнида талабаларда айнан ушбу ғояга оид тушунчаларнинг шакллантириб борилиши натижасида ҳосил бўлади. Талабада бағрикенглик тушунчаларини шакллантиришдан кўзда тутиладиган асосий мақсад - жамият аъзолари орасида барқарор ижтимоий муносабатларни таркиб топтириш, уларни изчил тайёрлаб боришдан иборат. Бу мақсадни амалга ошириш учун эса таълимнинг барча босқичлари орасида узвийлик ва изчиллик таъминланиши керак.

Абдулҳолиқ Гиждувоний бағрикенглик - хилма-хиллик ва ранг-барангликни қабул этиш, уларга умумий гўзалликнинг бир жабҳаси сифатида қараб, эъзозлаб, улар билан уйғун бўлиб яшашдир, деб ҳисоблайди. Абдулҳолиқ Гиждувоний таълимотининг асл моҳияти бағрикенгликдир. Абдуҳолиқ Гиждувоний асослаган Хожагон тариқати йўли ҳам, асарлари - «Мақсад ас соликин», «Маслак ал орифин», «Рисолаи соҳибия»,

«Васиятнома»лардаги ғоялари ҳам бағрикенгликка чорлайди. Буларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, Абдулхолик Ғиждувоний бағрикенгликни жуда кенг маънода тушунган ва уни умуминсоний қадрият сифатида эъзозлаган. Фалсафа фанлари доктори Г.Наврўзова ўз илмий тадқиқотида Абдулхолик Ғиждувоний асарлари асосида бағрикенгликни қайси ўринларда намоён бўлиши лозимлигини назарда тутиб, қуйидагича гуруҳлайди:

**Инсоний бағрикенглик** - инсоннинг бутун борликқа муҳаббати ва уйғун ҳаракати.

**Оилавий бағрикенглик** - оила эшигининг ва оила аҳли қалбининг очиқлиги, меҳмоннавозлик, меҳрибон ва ғамхўр бўлиш.

**Маҳаллий бағрикенглик** - қавм-қариндош, қўни-қўшни, турли дин ва миллат вакилларининг ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликда ўзаро ёрдам қўлини чўзиб яшаши.

**Эл-юрт бағрикенглиги** - мамлакат аҳли бир-бирининг урф-одат, эътиқод, ғояларни тан олиб, ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшаши.

**Халқлар ва давлатлараро бағрикенглик** - миллати, ирқи, жинси даражаси, яшаш жойидан қатъий назар бирлик ва дўстликда умр кечиришдир.

Абдулхолик Ғиждувоний таълимотидаги бағрикенглик турига қараб қуйидаги йўналишларни ўз ичига олган:

**Этно-психологик бағрикенглик** - ҳар бир халқ, қабиланинг урф-одати, қадрияти руҳий ўзига хослигини тан олиш, қадрлаш, ҳурмат этиш, қабул қилиш.

**Миллий бағрикенглик** - турли миллатларнинг ёнма-ён тенглик ва дўстлик асосида яшаши.

**Ирқий бағрикенглик** - турли ирқларнинг тенг ҳуқуқлигини тан олиб улар билан баҳамжиҳат умр кечириш.

**Жинслараро бағрикенглик** - жинслар ўртасидаги тенгликни тан олиш, аёлларни эъзозлаш, қадрлаш.

**Диний бағрикенглик** - турли хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир манзил-маконда эзгу ниятлар билан ҳамкорлик ва муросада яшаши.

**Иқтисодий бағрикенглик** - иқтисодий ёрдам, тенг муносабатга асосланган ҳамкорлик.

**Ижтимоий-сиёсий бағрикенглик** - жамиятдаги мол-мулки, нуфузи, сиёсий қарашларидан қатъий назар ўзаро тенг ҳуқуқли инсонлар сифатида тан олиш ва улар билан мулоқотда бўлиш.

**Умуминсоний бағрикенглик** - барча инсонларни эъзозлаш, қадрлаш ва тенг муносабатда бўлиш.

Биз бағрикенглик тушунчасини шакллантиришга хизмат қиладиган ўқув воситаларининг мазмунини таҳлил қилиш натижасида қуйидагиларни аниқлашга муваффақ бўлдик. Жумладан, тиббиёт йўналиши талабалари учун нашр этилган К.Турдиева, Д.Аҳмедованинг “Ўзбек тили” дарслигида бағрикенглик тушунчаларини ўргатиш қуйидагича ўз аксини топган. 1-дарс мавзуси “Ўзбек тили” матнида – Ўзбек тилининг XI асрдан бошлаб мустақил тилда шаклланиши, буюк алломалар Маҳмуд Қошғарий, Юсуф хос Ҳожиб ва Алишер Навоийларнинг ҳиссалари ҳақида айтиб ўтилган. “Талабаларга


айтар сўзим” матнида шифокорлик касбига содиқ бўлиш, “ота –она ва устозлар маънавияти юксак мутахассисдан фахрланиши лозимлиги” айтиб ўтилган; 2-дарс мавзуси “Мустақил Ўзбекистон” матнида Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат вакиллари яшаши, “ўз маданий меросига, миллий кадриятларга эътиборни, барча мамлакатлар билан ҳамжиҳатликни кучайтиргани”, 11-бетда “Ўзбекистон Давлат мадҳияси” А.Орипов шеъри матни берилган ва мавзуга оид мақоллар, мавзу матнида ҳамжиҳат бўлиш, Ватан, халқ, миллат манфаатларини ҳар қандай шахсий манфаатлардан юқори қўйишга қаратилган умумбашарий ва дунёвий ғоялардан оқилона ва ижодий фойдаланиш ҳақида айтиб ўтилган. 3-дарс “Бизнинг оила” матнида оиласи, қариндош –уруғ ва дўстларига эзгулик қилиши ёритилган. 7-дарс “Мен шифокор бўлмоқчиман”, “Касбга томон элтадиган йўл –ўқиш” матнларида талабаларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш айтилган. 9-дарс мавзуси “Шифокор маънавияти” матнида “шифокорнинг юқори маънавиятли бўлиши унинг пок ахлоқий қиёфаси билан чамбарчас боғлиқдир”, “самимий, олийжаноб, хушмуомала, ўз атрофдагиларга яхшилик истовчи”, “Шифокорлар орасидаги ўзаро муносабат бемор фойдаси учун бир–бирини қўллаб–қувватлашга ва биргалашиб ёрдам беришга асосланган” бўлиши кераклиги айтиб ўтилган. 11-дарс “Абу Али Ибн Сино” матнида буюк истеъдод соҳиби ва йирик қомусий олим ибн Синонинг фанга қўшган ҳиссалари, бағрикенг табиб сифатида барча миллат вакилига бемор сифатида қараб даволагани айтилган. 15-дарс “Шарқ табобати” матнида “Шарқнинг машҳур олимлари Ал Хоразмий, Абу Бакр Ар Розий, Ал Беруний, Абу Мансур Бухорийлар ҳам тиббиёт фани ривожига катта ҳисса қўшгани” айтиб ўтилган. 19-дарс “Поклигинг–соғлигинг” матнида озодалик, гигиенага риоя қилиш айтилган. 22 –дарс “Навоий табиблар ҳақида” матнида “табиб касалларга меҳрибон бўлиши, сўзлари мулойим, юмшоқ ва дилни хурсанд қилувчи, юзи беморнинг кўнглига ёқимли” бўлиши, “Икки вафоли ёр” матнида дўстлик, садоқат туйғулари қайд қилинган. 26-дарс “Шарқ мутафаккирлари хазинасидан” матнида инсонпарварлик, халқпарварлик, маърифатпарварлик, эл –юртга муҳаббат, поклик, ҳалоллик, тўғрилиқ, ростгўйлик, сахийлик, меҳр –шафқат, хушмуомалалик каби эзгу инсоний фазилат ва хислатлар тарғиб қилинади”. 29-дарс “Миллий кадриятлар” матнида “Моддий ва маънавий маданиятимиз шу қадар улканки, меросимиз нафақат ўз халқимиз, балки Европа, Осиё мамлакатларини ҳам ўзига жалб қилиб, қизиқиш уйғотмоқда. Ва бу умуминсоний кадриятларга қўшилган салмоқли ҳисса” эканлиги айтиб ўтилган, “Фарзандларнинг ота –онаси олдидаги бурчлари” матнида “катталарга, айниқса, ота –оналарга ҳурмат кўрсатиш азалий одат, иззат –ҳурматини бажо келтириш, очик юзли, ширин сўзли бўлиш” кераклиги таъкидланган. Мазкур дарсликда 42 та бағрикенгликка доир тушунчалар фойдаланилган.

“Рус тили” дарслигида 9-бетдаги расмда ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик тушунчалари ифодаланган. 14 -бетдаги расм ва шеърда миллатлараро дўстлик ва тенглик тушунчалари, 18 -19-бетларда Амир Темур мавзусидаги матн ва ривоятда адолатлилик, ғамхўрлик, тоқатлилик тушунчалари ифодаланган. 20-бетда берилган Амир Темур ўғитларида дўстлик, бирдамлик тушунчалари

ўз аксини топган. 44-бетдаги «Наврўз байрами» матнида тинчлик, ҳамжиҳатлик тушунчалари таърифланган. 60-бетдаги «Шер ва сичқон» эртагида садоқатлилик тушунчаси акс этган.

“Рус тили” дарслигида ўзаро ҳурмат, ҳамжиҳатлик, миллатлараро дўстлик ва тенглик, адолатлилик, ғамхўрлик, тоқатлилик, тинчлик, бирдамлик, садоқатлилик каби бағрикенгликка оид жами 10 та тушунча берилган.

“Рус тили” дарслигининг 4-бети Обид Расулнинг «Тинчлик» шеъри ва берилган расмда тинчлик тушунчаси акс эттирилган. 14-бетдаги 17-машқда берилган «Чумчук» шеъри ва расмда ғамхўрлик, шафқат тушунчалари ифодаланган. 35 -бетдаги 60 -машқда эса дўстлик тушунчаси ифодаланган. 37-бетдаги 64-машқда шафқатлилик тушунчаси акс этган. 41-бетдаги 72-машқда миллий ифтихор тушунчаси ифодаланган. 63-бетдаги 116-машқ, «Кўхна Турон фарзандлари» матнида ватанпарварлик тушунчаси акс этган. 84-85-бетларда берилган 153-154-155-машқларда, меҳмондўстлик, ўзаро ҳамкорлик тушунчалари ифодаланган.



“Рус тили” дарслигида тинчлик, ғамхўрлик, шафқат, дўстлик, миллий ифтихор, ватанпарварлик, меҳмондўстлик, ўзаро ҳамкорлик каби 8 та бағрикенглик тушунчалари мавжуд.

“Ўзбек тили” дарслигининг 13-бетидаги «Умр мазмуни» матнида меҳрли, мурувватли бўлиш каби тушунчалар бор. 20-бетдан ўрин олган «Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам ўзингдан» матнида яхшилик, меҳрибонлик, камтарлик, тоқатлилик, ҳамкорлик, 23-бетдаги «Андиша» матнида андишали

бўлиш, 28-бетдаги «Хушмуомалалик» матнида хушфеъллик, турли миллат халқларини ҳурмат қилиш, уларга озор етказмаслик, бағрикенглик, инсонпарварлик, катталарга ҳурмат, ғамхўрлик, меҳрибонлик тушунчалари акс этган. 30-бетдаги «Ўз қадрини билмаган, ўзга қадрини билмас» матнида ҳақиқатгўйлик, ширинсўзлик, олийжаноблик, ўзгалар қадрига етиш, хушмуомалалик, ўз айбини тан олиш, 32-бетдаги «Ҳикматлар»да дўстлик, меҳр–шафқатлилик, ўзгалар фикрини ҳурматлаш, камтарлик, бировни камситмаслик, 33-бетдаги «Афанди ва ой» матнида хушмуомалалик, тотувлик, дўстлик каби тушунчалар камраб олинган.

Умуман олганда, ўзбек тили дарслигида миллатлараро бағрикенглик, тотувлик, тинчлик, меҳрибонлик, ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат, ғамхўрлик, ўзаро ёрдам, тоқатлилик, бардош, дардкашлик, эрксеварлик, ватанпарварлик, ҳимматлилик, дўстлик каби бағрикенгликка оид тушунчалар ўз аксини топган. Мазкур дарсликда бағрикенгликка оид жами 15 та тушунча берилган.

Ўзбек ва рус тили дарсликларининг таҳлили натижасида қуйидагича ҳолат аниқланди:

### 1-жадвал.

#### Ўзбек ва рус тили дарсликларида бағрикенглик тушунчаларининг ифодаланиш даражаси

Т.р.	Дарсликнинг г номи	Дарсликда ифодаланган бағрикенгликка оид тушунчалар	Ҳар бир дарсликда ифодаланган бағрикенглик ка оид мустақил тушунчалар	Дарсликларда учрайдиган бағрикенгликка оид такрор тушунчалар
1	Ўзбек тили	Миллатлараро бағрикенглик, тотувлик, тинчлик, меҳрибонлик, ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат, ғамхўрлик, ўзаро ёрдам, тоқатлилик, бардош, дардкашлик, эрксеварлик, ватанпарварлик, ҳимматлилик, дўстлик.	Миллатлараро бағрикенглик, тотувлик, тинчлик, меҳрибонлик, ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат, ғамхўрлик, ўзаро ёрдам, тоқатлилик, бардош, дардкашлик, эрксеварлик, ватанпарварлик, ҳимматлилик, дўстлик.	
	Жами	15	15	-
2	Рус тили	Ўзаро ҳурмат, ҳамжиҳатлик, миллатлараро дўстлик, тенглик, адолатлилик, ғамхўрлик, тоқатлилик, бирдамлик, тинчлик, садоқатлилик	Адолатлилик, бирдамлик, садоқатлилик	Ўзаро ҳурмат, ҳамжиҳатлик, миллатлараро дўстлик, ғамхўрлик, тоқатлилик, тинчлик
	Жами	10	3	7

1. Дарсликларнинг таҳлили ва юқорида ҳавола қилинган жадвал кўрсаткичларидан шу нарса аён бўлдики, расм ва матнларни шарҳлаш асосида аниқланган тушунчаларнинг аксарият қисми улар ифодалаган сўзлар воситасида эмас, балки тадқиқотчилик фаразимиз орқали аниқланган.

2. Кузатишларимиз шуни кўрсатдики, кўпгина ўқитувчилар дарсликлардаги матн ва расмларни бағрикенглик тарбияси нуқтаи назаридан ёндашган ҳолда шарҳлашга ҳаммавақт ҳам эътибор қаратмас эканлар. Шулардан келиб чиққан ҳолда биз, тиббий педагогик йўналиш талабаларида миллий анъаналар асосида бағрикенгликни ривожлантириш изчиллик асосида ҳар бир тушунчадан ифодалаган фикрларни талабаларнинг ёш хусусиятлари, тараққиёт даражаси, фикр англаш эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда турли матнлар воситасида ўргатиш мақсадга мувофиқ, деган хулосага келдик.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **“Тиббий педагогик йўналиш талабаларида миллий анъаналар асосида бағрикенгликни ривожлантиришнинг педагогик-психологик асослари”** деб номланади. Ушбу боб 3 параграфдан ташкил топган. Бунда тиббий педагогик йўналиш талабаларида миллий анъаналар асосида бағрикенгликни ривожлантиришга йўналтирилган жараённинг мазмуни, тиббий педагогик йўналиш талабаларида миллий анъаналар асосида бағрикенгликни ривожлантиришнинг шакл, усул ва методлари хусусидаги фикрлар баён этилган.

“Тиббий педагогик йўналиш талабаларида миллий анъаналар асосида бағрикенгликни ривожлантиришга йўналтирилган жараённинг мазмуни” номли параграфда «Бағрикенглик принциплари Декларацияси»сига биноан, бағрикенглик нафақат маънавий бурч, балки алоҳида кишилар, гуруҳ ва давлатга нисбатан қўйиладиган сиёсий ҳамда ҳуқуқий талаб сифатида эътироф этилган. Декларацияга мувофиқ барча давлатлар мулоқот жараёнидаги тенгликни таъминлайдиган ҳамда турли гуруҳ, дин ва миллатга мансуб кишилар учун қулай бўлган янги қонунчиликни яратишлари лозим.

Зеро, мазкур Декларацияда бағрикенглик тушунчаси қуйидагича таърифланган:

- муайян давр маданияти, шахс индивидуаллигининг кўриниши ва ифодаланиш шакллари, унинг бойлигини эътироф этиш, қабул қилиш ва тўғри тушуниш;

- инсон ҳуқуқлари соҳасида қабул қилинган халқаро–ҳуқуқий меъёрларда акс эттирилган ҳақиқат ва қонуниятларни мутлақлаштириш ҳамда қотиб қолган ақидалардан воз кечиш.

Бағрикенглик – бу чекиниш ёки ўзлигига қарши бориш бўлмай, балки инсоннинг, шахснинг эркинлиги ва умуминсоний ҳуқуқларини тан олиш асосида шаклландиган фаол муносабатдир.

Бағрикенглик – бу ўзининг мавжуд имкониятларига шубҳа билан қарамайдиган, кучли, ақлли кишиларнинг хусусияти бўлиб, улар мулоқот ва фикрлар хилма-хиллиги орқали ҳақиқат сари борадилар.

Таъкидлаш жоизки, кўп миллатли Ўзбекистон жамиятида бағрикенглик муаммоси, айниқса, долзарб аҳамият касб этмоқда. Чунки бир давлат чегарасида турли хилдаги маданий қадрият ва ижтимоий тажриба, биологик фарқлар ва ягона рухий таркибга эга бўлган кишилар ҳамжамияти бирга ҳаёт кечирадилар. Ҳар бир миллат ушбу сифатларини асрлар давомида у ёки бу даражада ўзгарган ҳолда сақлаб келмоқда. Бугунги ижтимоий-иқтисодий ўзгарувчанлик шароитида бошқа этник муҳитга тушган миллат томонидан ўз миллий хусусиятларини намойиш этиш борасидаги ҳаракатлари салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Маҳаллий халқда ушбу вазият кўрқув, хавф-хатарнинг вужудга келиши ва миллий ғурурнинг камситилиши каби ҳолатларни вужудга келтиради. Шундай бўлса-да, айрим пайтларда бир халқ иккинчисига нисбатан жаҳл, ҳасад ёки менсимаслик назари билан қарашга ҳақли эмаслиги ёддан кўтарилади ва одамлар орасида кўрқув, зўравонлик, жамиятда эса миллатчилик, диний экстремистик, босқинчилик ғоялари пайдо бўлади.

Кузатишларимиз натижасида аниқланган бундай қарама-қаршиликлар талабаларни илк мактаб давридан бошлаб бағрикенгликка оид тушунчалар билан қуроллантириш, бу сирадаги тушунчаларни улар онгига сингдиришнинг қулай шакл, восита, усул ва методларини излаб топиш, илмий жиҳатдан асослаш заруриятини вужудга келтирмоқда.

Талабалар ва ўқитувчи орасидаги эркин ўзаро ҳурмат асосида қурилган муносабатлар бағрикенгликни таъминлаш орқали вужудга келади. Ўқитувчи ҳамда талаба орасидаги авторитар муносабатни бартараф этмасдан уларда бағрикенгликни таркиб топтириш мумкин эмас. Бағрикенглик маданиятини шакллантиришнинг асосий шартларидан бири таълим жараёнини ташкил этишнинг демократик механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётда тадбиқ этишдан иборат.

Олий таълим жараёнида талабани бир томондан ўзгаларни бир бутун шахс сифатида қабул қилиш, иккинчи томондан ўз қарашларига танқидий ёндашишга ўргатиш лозим.

Бағрикенглик маданиятини қуйидаги тизим «ўқитувчи + талаба + ота-она + атроф-муҳитдаги кишилар + маҳалла» ҳамкорлиги асосида шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

Таълим-тарбия жараёнида бағрикенгликни тарбиялаш натижасида қуйидагилар назарда тутилади:

- Таълим муассасаси ва оила ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни амалга оширувчи талабани тарбиялаш;

- бағрикенгликка ёт бўлган муносабатларга қарши чиқадиган талабани тарбиялаш.

### Биринчи босқич

- бағрикенглик тарбиясини амалга ошириш принциплари ва воситалари, ёшларни кизиқишлари, интилишлари, педагогик рефлексияси, турли иллатларга муносабати, оилавий аҳволи аниқланди.

### Иккинчи босқич

- Тайёргарлик босқичи, муаммони қўйиш, бағрикенглик тарбиясини амалга ошириш принциплари долзарблигини исботлаш, лойиҳани шакллантириш, амалга ошириш технологияси ва алгоритми лойиҳалаштирилди.

### Учинчи босқич

- Асосий босқичда -бағрикенглик тарбиясини амалга ошириш принциплари индивидуал, гуруҳли, жамоа шаклида ўтказилди ва танишув технологияси, муаммо технологияси, мулоқот технологияси, баҳслашув технологияси, муносабат технологияси, ташвиқот гуруҳи технологияси, ролли ўйин, тақдимот, дебат, маҳорат дарслари каби интерфаол усуллар ва семинар-тренинглардан фойдаланилди.

### Тўртинчи босқич

- Таҳлилий босқичда бағрикенглик тарбиясини амалга ошириш принциплари натижалари умумлаштирилди, таҳлил этилди ва уни ривожлантириш истиқболлари белгиланди.

## 2-расм. Бағрикенглик тарбиясининг шакллари.

Талабаларда бағрикенгликни қарор топтиришга ёрдам берадиган тадбирлар қуйидаги изчилликда амалга оширилиши лозим:

1. Тиббий педагогик йўналиш талабаларида, уларни ўзаро ҳамжихатликка асосланган ҳаракатга жалб этиш орқали эмпатия, ҳамдардлик туйғуларини тарбиялаш.


2. Тиббий педагогик йўналиш талабаларида баҳс юритиш, мунозара қилиш ва келишмовчиликларни тинчлик йўли билан ҳал этиш, очик мулоқот асосида бағрикенглик кўникмаларини шакллантириш.

3. Шу билан бир қаторда интерфаол ўқитиш методлари орқали талабанинг ота-оналари, синфдошлар, атроф-муҳитдагилар, ўқитувчилар билан мулоқоти асосида ҳам бағрикенглик тарбияси амалга оширилади.

Шу билан бир қаторда, бағрикенглик тушунчаларини шакллантириш борасида қўшимча таълим-тарбия воситаларининг аҳамияти катта бўлиб, ўқитувчилар бу соҳадаги чора-тадбирларни мунтазам қўллашлари лозим.

Юқорида кўрсатилган шакл ва усуллар тавсия сифатида тақдим этилиб, барча ташкилий ишлар эркинлиги ўқитувчилар зиммасига юклатилади. Яъни, уларга қўшимча шакл ва усуллардан фойдаланиш имконияти берилади.

**Тиббий педагогик йўналиш талабаларида миллий анъаналар асосида бағрикенгликни ривожлантириш жараёни**



**Тиббий педагогик йўналиш талабаларида миллий анъаналар асосида бағрикенгликни ривожлантиришда ўзаро ҳамкорлик, узвийлик ва узлуксизлик**

**3-расм. Тиббий педагогик йўналиш талабаларида миллий анъаналар асосида бағрикенгликни ривожлантиришнинг ҳамкорлик тизими**

Диссертациянинг учинчи боби “**Педагогик тажриба –синовни ташкил этиш ва уни ўтказиш**” деб номланади. Мазкур боб 2 параграфдан иборат. Бунда тиббий педагогик йўналиш талабаларида миллий анъаналар асосида бағрикенгликни ривожлантириш йўллари, тиббий педагогик йўналиш талабаларида миллий анъаналар асосида бағрикенгликни ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараённинг самарадорлик даражаси хусусидаги фикр баён қилинган.

Тиббий педагогик йўналиш талабаларида бағрикенгликка оид тушунчаларни шакллантириш мақсадида мазкур тушунчаларни ўз ичига қамраб олган атамалар тизимини ишлаб чиқилди. Мазкур тизим таркибига қуйидаги тушунчалар киритилди: миллатлараро бағрикенглик, тотувлик, тинчлик, меҳрибонлик, ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат, ғамхўрлик, ўзаро ёрдам, тоқатлилик, бардош, дардкашлик, эрксеварлик, ватанпарварлик, ҳимматлилик, дўстлик, адолатлилик, бирдамлик, садоқатлилик, шафқат, миллий ифтихор, меҳмондўстлик, ўзаро ҳамкорлик, сабрлилик, аҳиллик, миллатлараро ҳамжиҳатлик, миллатлараро тенглик, мурувватлилик, инсофлилик, раҳмдиллик, ҳамдардлик, меҳр-шафқат, мулоқот маданияти, ўзаро мулоқот, чидамлилик, кичикларга ғамхўрлик, миллатлараро тотувлик, халқсеварлик, элпарварлик, яхшилик, динлараро муносабат, миллат, ирқ, динлараро тенгхуқуқлилик, бурч, саховат, муомала маданияти, озодлик,

миллатлараро ҳурмат, зўравонлик, барқарорлик, тинчликпарварлик, камситмаслик, эътиборлилик, очикқўллик, иноқлик, ёрдамга муҳтож одамларга ёрдам қўлини чўзиш, ўз элини душмандан ҳимоя қилишда жонини ҳам аямаслик, шафқатсизлик, камситишга қарши туриш, миллатчилик, миллий худбинлик, гуруҳли душманлик, терроризм, экстремизм, шовинизм ўзаро таъсир, бағрикенглик, диний бағрикенглик, барқарорлик, эмпатия, хатти-ҳаракатнинг дивергентлиги, хатти-ҳаракатнинг тезкорлиги, ижтимоий фаоллик, бошқалар фикрини эшитиш, ҳурмат қилиш ва дўстона қабул қилиш.

